

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК ТИЗИМИ ЯНГИЛАНИШИ

Алимова Мавлуда Шухратбековна

Андижон давлат педагогика

институту тадқиқотчиси

Аннотация:

Барча соҳаларда бўлгани каби олий таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Лекин сифатли мутахассис тайёрлаш учун ушбу ўзгаришлар етарли эмас. Кадрлар тайёрлаш тизимида қатор муаммолар борки, уларни ҳал этмай туриб, етук мутахассислар тайёрлаш ҳақида гапириш эрта, дейилади мақолада. Аввало, олий таълимга талабаларни қабул қилиш тизимини бутунлай ўзгартириш керак. Сабаби, ҳозирги тизим ўқишга қабул қилинаётган талабанинг шу соҳага қай даражада иқтидори ва қобилияти бор-йўқлигини аниқлаш имкониятини бермайди.

Айрим хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари қошида бир йиллик тайёрлов курслари мавжуд бўлиб, уларда абитуриентнинг танлаган касбига қизиқиши ва айнан шу йўналишга иқтидори бор-йўқлиги аниқланади ҳамда шунга қараб олий таълим муассасаларига ўқишга киришга тайёрлайди. Бизда ҳам шу каби тизим жорий этилиши фойдадан холи бўлмайди.

Талабаларнинг ўзлаштиришини баҳолаш тизими бутунлай ислоҳга муҳтож. Бунда талаба шунчаки балл йиғиш учун эмас, балки яхши мутахассис бўлиш учун ўқисин! Сир эмас, ҳозирги кунда аксарият талабалар юқори коэффицентли стипендия учун “ўқимоқда”. Сессия пайтида айрим ўқитувчи ва аксарият талабаларнинг асл қиёфаси намоён бўлади. Тамагирлик, таниш-билишчилик каби иллатлар авж олиши, айрим талабалар ор-номус ва ғурурини унутиб, “беш” ёки “тўрт” баҳо учун турли усулларни қўллаши, уввос солиб йиғлашдан тортиб, ўз жонига қасд қилиш билан қўрқитишгача бориши кузатилади. Талабаларга стипендия тўлаш тизими ислоҳ қилинса, шу каби нохуш ҳолатларга чек қўйилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 14.
- 2.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 12 ноябрь). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 42.
3. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизми қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.

4. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.
5. Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

